

“Тахиатош дон маҳсулотлари” акциядорлик жамияти
Кузатув кенгашининг № 2 -сонли йиғилиш

Баёни

10 март 2020 йил.

Тахиатош тумани.

Йиғилишда қатнашдилар:

Кузатув кенгаши раиси: М.Мадаминов

Кузатув кенгаши аъзолари: Б.Назимов И.Мамаюсупов И.Мадрахимов Ж.Арипов Б.Тўхтаев
Х.Рахимов

Таклиф этилдилар:

Жамият ички аудитори:

Е.Мадреймов

Жамият бошқарув раиси:

Ж.Утемуратов

Ишлаб чиқаришни бўйича директор:

М.Утемуратов

Молия ва сотиш бўйича директор:

А.Абдимуратов

Бош ҳисобчи:

З.Ашырова

Бош иқтисодчи:

Қ.Айтымбетов

Кузатув кенгаши раиси М.Мадаминов сўзга чиқиб, жамият уставига асосан кузатув кенгашининг сон таркиби 7 аъзодан иборатлиги, ушбу мажлисда барча аъзолари қатнашганлиги ва “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини химоя қилиш туғрисида”ги Қонуннинг 78-моддасига асосан кузатув кенгаши мажлисининг кворуми 100 фоизни ташкил қилишини ҳисобга олиб, кузатув кенгаши ўз йиғилишини ўтказишга ҳақли деп топти.

КУН ТАРТИБИ:

1. “Тахиатош дон маҳсулотлари” АЖ 2019- йил молия-хўжалик фаолияти якуни бўйича акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш санаси, вақти ва жойини белгилаш.
2. “Тахиатош дон маҳсулотлари” АЖ 2019- йил молия-хўжалик фаолияти якуни бўйича акциядорларнинг умумий йиғилиши кун тартибини белгилаш.
3. “Тахиатош дон маҳсулотлари” АЖ акциядорларни умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида хабар қилиш учун ва жамият акциядорларини тизимга олиш реестрлари тузиладиган санасини белгилаш.
4. “Тахиатош дон маҳсулотлари” АЖ умумий йиғилиши овоз бериш бюллетенларини тарқатиш ва овозларини санаш, акциядорларни иштирок этиш учун рўйхатга олиш санок комиссиясини тузиш.
5. “Тахиатош дон маҳсулотлари” АЖ умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида акциядорларга ва давлат вакилига хабар қилиш тартибини белгилаш.
6. 2020 йил учун “Тахиатош дон маҳсулотлари” АЖ кузатув кенгаши, тафтиш комиссияси ва бошқарув кенгаши аъзолари қайта сайланиши бўйича таклифларни белгилаш.
7. “Тахиатош дон маҳсулотлари” АЖ акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш учун зарур ахборот ва ҳужжатлар рўйхатини белгилаш.
8. Овоз бериш бюллетенининг шакли ва матнини белгилаш.
9. Жамият 2019 йил якуни бўйича олинган соф фойдасини тақсимлаш юзасидан тавсия киритиш.
10. Жамият корпоратив баҳолашни ўтказишни тасдиқлаш.

Мажлисида: Жамиятимиз кузатув кенгаши раиси М.Мадаминов ўз сўзида, Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини химоя қилиш тўғрисида” Қонунига асосан акциядорларнинг умумий йиғилиши жамиятни бошқаришнинг олий органи бўлганлиги сабабли жамиятнинг 2019-йил молия-хўжалик фаолияти яқунлари бўйича ўтказиладиган акциядорларнинг умумий йиғилишида жамият фаолиятининг энг устувор йўналишларини белгиланишини ва тасдиқланишини билдирди.

Тингланди: Кун тартибидаги 1- масала бўйича кузатув кенгаши раиси М.Мадаминов ўз сўзида, жамиятимиз 2019-йил молия-хўжалик фаолияти якуни бўйича умумий йиғилиш 2020 йил 3-апрелдаги Ўзбекистон Республикаси айрим қонун ва ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги УРК-405-сон “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини химоя қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг янги тахририга мувофиқ акциядорлик жамиятида ҳар йили умумий йиғилишнинг ўтказилиши муҳим эканлиги ҳақида айтиб ўтди ва 2019 йил молия-хўжалик фаолияти якуни бўйича ўтказиладиган жамият акциядорларининг умумий йиғилиш санаси 2020 йил 03-апрелда 15:00 да жамият мажлислар залида ўтказилишини таклиф этди.

Кун тартибидаги 1- масала овозга қўйилди ва овоз бериш натижалари қуйидагича:

Тарафдор: 7 овоз (100.0%), қарши: 0 овоз (0,00%), бетараф: 0 овоз (0,00%).

Тингланди. Кун тартибидаги 2- масала бўйича кузатув кенгаши раиси М.Мадаминов ўз сўзида, жамият акциядорларининг умумий йиғилиш кун тартибини қуйидагича белгиланишини таклиф этди:

1. “Тахиятош дон маҳсулотлари” АЖ 2019 йил яқунлари бўйича кузатув кенгаши раиси ҳисоботини эшитиш.
2. “Тахиятош дон маҳсулотлари” АЖ 2019 йил яқунлари бўйича бош ҳисобчи ҳисоботини эшитиш.
3. “Тахиятош дон маҳсулотлари” АЖ 2019 йил яқунлари бўйича тафтиш комиссияси ҳисоботини эшитиш.
4. “Тахиятош дон маҳсулотлари” АЖ 2019 йил яқунлари бўйича аудит хулосасини тасдиқлаш, ички аудит ҳисоботини тинглаш.
5. “Тахиятош дон маҳсулотлари” АЖ 2019 йил яқунлари бўйича йиллик ҳисоботлар ва бухгалтерия балансини тасдиқлаш.
6. “Тахиятош дон маҳсулотлари” АЖ 2019 йил яқунлари бўйича соф фойда ҳисобварағини тасдиқлаш ва унинг соф фойдасини тақсимлаш.
7. “Тахиятош дон маҳсулотлари” АЖ 2020 йил учун белгиланган бизнес-режасини тасдиқлаш.
8. “Тахиятош дон маҳсулотлари” АЖ 2019 йилда аудиторлик текширув ўтказиш учун аудитор ташкилоти билан шартнома тузиш ва унинг хизматига тўланадиган ҳақ миқдори чегарасини белгилаш.
9. 2020 йил учун “Тахиятош дон маҳсулотлари” АЖ кузатув кенгаши аъзоларини қайта сайлаш.
10. “Тахиятош дон маҳсулотлари” АЖнинг 2020 йил учун қайта сайланган кузатув кенгаши аъзоларини рағбатлантириш миқдори чегарасини белгилаш ва тасдиқлаш.
11. 2020 йил учун “Тахиятош дон маҳсулотлари” АЖ тафтиш комиссия аъзоларини қайта сайлаш.
12. 2020 йил учун “Тахиятош дон маҳсулотлари” АЖ бошқарув кенгаши раиси ва аъзоларини қайта сайлаш.
13. “Тахиятош дон маҳсулотлари” АЖ кузатув кенгаши ва бошқарув кенгаши раислари ўзаро 1 йилга тузилган меҳнат шартномасини тасдиқлаш.
14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 24 августдаги ПК-4426- сонли қарори талабларига мувофиқ 2019 йил якуни бўйича бошқарув раисининг ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, саноатда кооперация алоқаларини кенгайтириш масалалари бўйича директорининг ҳисоботини эшитиш.
15. Корхонада харидлар жараёнининг шаффофлиги, асослилиги шу жумладан маҳаллий маҳсулотларнинг сифат ва нарх бўйича белгиланган параметрларга мувофиқлигини ҳисобга

олган ҳолда импорт харидларини, шунингдек валюта ресусларидан самарали фойдаланилишни тўғрисида ташқи аудит хулосасини кўриб чиқиш.

16. Жамият балансида улуши бўлган нон, макарон, қандолат ишлаб чиқариш ва транспорт хизмати кўрсатувчи корхоналардан ташқари, барча турдаги корхоналар ҳамда бўш турган бино ва иншоотларни қонунчиликда белгиланган тартибда сотиш.

Тарафдор: 7 овоз (100.0%), қарши: 0 овоз (0%), бетараф: 0 овоз (0%).

Тингланди: Кун тартибидаги 3- масала бўйича кузатув кенгаши аъзоси Ж.Арипов ўз сўзида қуйдагиларни баён қилди:

-акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказилиши ҳақида хабар қилиш учун жамият акциядорлари реестрини шаклантириш санаси 2020 йил 30-мартга;

-жамиятнинг умумий йиғилишини ўтказиш учун жамият акциядорларини тизимга олиш реестири тузиладиган санасини 2020 йил 30-мартга белгилашни таклиф этди.

Кун тартибидаги 3- масала овозга қўйилди ва овоз бериш натижалари қуйидагича:

Тарафдор: 7 овоз (100.0%), қарши: 0 овоз (0%), бетараф: 0 овоз (0%).

Тингланди: Кун тартибидаги 4-чи масала бўйича кузатув кенгаши аъзоси Ж.Арипов ўз сўзида, жамиятнинг умумий йиғилиши овоз бериш бюллетенларини тарқатиш ва овозларни санаш, акциядорларини иштирок этиш учун рўйхатга олиш санок комиссиясини тузишни таклиф этди:

Кун тартибидаги 4-масала овозга қўйилди ва овоз бериш натижалари қуйидагича:

Тарафдор: 7 овоз (100.0%), қарши: 0 овоз (0%), бетараф: 0 овоз (0%).

Тингланди: Кун тартибидаги 5-масала бўйича кузатув кенгаши раиси М.Мадаминов ўз сўзида, жамият акциядорларининг навбатдаги умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида акциядорларга ва хабар қилиш тартибини белгилашни таклиф этди:

Кун тартибидаги 5-масала овозга қўйилди ва овоз бериш натижалари қуйидагича:

Тарафдор: 7 овоз (100.0%), қарши: 0 овоз (0%), бетараф: 0 овоз (0%).

Тингланди: Кун тартибидаги 6-масала бўйича кузатув кенгаши раиси М.Мадаминов ўз сўзида, жамиятга келиб тушган таклифлар билан таништириб қуйдагиларни таклиф этди:

6.1 Жамиятнинг кузатув кенгаши таркибига тавсиялар:

6.1. 2020 йил 28-январдаги “Ўздонмаҳсулот” АК №6-сонли буйруғига мувофиқ 2020 йил учун жамият кузатув кенгашига тавсия этилган номзодлар рўйхати қуйидагича: М.Мадаминов, Б.Назимов, И.Мамаюсупов, Б.Хўжамбердиев, Ж.Арипов, Б.Тўхтаев, Р.Мансуров

6.2 Жамият тафтиш комиссияси таркибига тавсия қилинган намзодларнинг таклифлари қуйидагича: А.Абдуллаев, акционер.

Юқорида қайд этилган тавсияларни айтиб ўтилган таклифларга мувофиқ жамиятнинг 2020 йил учун кузатув кенгаши таркибига киритишни таклиф этди.

6.3 Жамият бошқарув кенгаши таркиби аъзолигига – Ж.Утемуратов, М.Утемуратов, Ж.Рейисов, З.Ашърова, И.Имашев, М.Танатаров.

Юқоридаги намзодлар жамиятнинг бошқарув кенгаши таркибига киритишни таклиф этди.

Кун таркибидаги 6- масала овозга қўйилди ва овоз бериш натижалари қуйидагича:

Тарафдор: 7 овоз (100.0%), қарши: 0 овоз (0%), бетараф: 0 овоз (0%).

Тингланди: Кун тартибидаги 7-масала бўйича кузатув кенгаши раиси М.Мадаминов ўз сўзида, жамият акциядорларининг умумий йиғилишини ўтказиш учун зарур ахборот ва ҳужжатларини тайёрлаш жамият бош хисобчи З.Ашъровага топширишни таклиф этди:

Кун таркибидаги 7- масала овозга қўйилди ва овоз бериш натижалари қуйидагича:

Тарафдор: 7 овоз (100.0%), қарши: 0 овоз (0%), бетараф: 0 овоз (0%).

Тингланди: Кун тартибидаги 8-масала бўйича кузатув кенгаши аъзоси Ж.Арипов ўз сўзида, жамият акциядорларининг умумий йиғилишининг овоз бериш бюллетенининг шакли ва матнини белгилашни таклиф этди:

Кун таркибидаги 8- масала овозга қўйилди ва овоз бериш натижалари қуйидагича:

Тарафдор: 7 овоз (100.0%), қарши: 0 овоз (0%), бетараф: 0 овоз (0%).

Тингланди: Кун тартибидаги 9- масала бўйича кузатув кенгаши раиси М.Мадаминов ўз сўзида, жамиятнинг 2019 йил якуши бўйича олинган соф фойдани қуйидагича тақсимлашни таклиф этди:

2019 йил молия-хўжалик фаолияти якунлари бўйича олинган 696765 минг сўм соф фойданинг 5 фоизи 34838.25 синг сўм жамият захира фондига, 2 фоизини 13935.30 минг сўм, ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва меҳнатни муҳофаза қилиш фондига 5 фоизи 34838.25 минг сўм.

Кун таркибидаги 8- масала овозга қўйилди ва овоз бериш натижалари қуйидагича:

Тарафдор: 7 овоз (100.0%), қарши: 0 овоз (0%), бетараф: 0 овоз (0%).

“Тахиатош дон маҳсулотлари” АЖ кузатув кенгаши кун тартибидаги масалаларни атрофлича муҳокама қилиб, Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунга асосан.

Қарор қилади:

1. “Тахиатош дон маҳсулотлари” АЖ акциядорларнинг навбатдаги 2019 йил молия-хўжалик фаолияти якуни бўйича ўтказиладиган жамият акциядорларининг умумий йиғилиш санаси 2020 йил 03-апрелда, вақти, соат 15:00 да жамият мажлислар залида ўтказилиши таъминлансин.

2. Жамият акциядорларнинг 2019 йил молия-хўжалик фаолияти якуни бўйича ўтказиладиган акциядорларнинг навбатдаги умумий йиғилиши кун тартиби қуйидагича белгилансин:

1. “Тахиатош дон маҳсулотлари” АЖ кузатув кенгашининг 2019 йилда бажарилган ишлар юзасидан ҳисоботини эшитиш.
 2. “Тахиатош дон маҳсулотлари” АЖнинг 2019 йил якунлари бўйича бош ҳисобчи ҳисоботини эшитиш.
 3. “Тахиатош дон маҳсулотлари” АЖнинг 2019 йил якунлари бўйича тафтиш комиссияси ҳисоботини эшитиш.
 4. “Тахиатош дон маҳсулотлари” АЖнинг 2019 йил якунлари бўйича аудит хулосасини ва депозитария хулосасини тасдиқлаш.
 5. “Тахиатош дон маҳсулотлари” АЖнинг 2019 йил якунлари бўйича соф фойда ҳисоб-варағини тасдиқлаш ва унинг соф фойдасини тақсимлаш.
 6. “Тахиатош дон маҳсулотлари” АЖнинг 2019 йил якунлари бўйича йиллик ҳисоботлари ва бухгалтерия балансини тасдиқлаш.
 7. “Тахиатош дон маҳсулотлари” АЖ 2019 йил якунлари бўйича белгиланган бизнес-режасини тасдиқлаш.
 8. “Тахиатош дон маҳсулотлари” АЖнинг 2020 йил фаолиятини аудиторлик текширув ўтказиш учун аудитор ташкилоти билан шартнома тузиш ва унинг хизматига тўланадиган ҳақ миқдори чегарасини белгилаш
 9. 2020 йил учун “Тахиатош дон маҳсулотлари” АЖ кузатув кенгаши аъзоларини қайта сайлаш.
 10. “Тахиатош дон маҳсулотлари” АЖ 2020 йил учун қайта сайланган кузатув кенгаши аъзоларини рағбатлантириш миқдори чегарасини белгилаш ва тасдиқлаш.
 11. 2020 йил учун “Тахиатош дон маҳсулотлари” АЖ тафтиш комиссия аъзоларини қайта сайлаш.
 12. 2020 йил учун “Тахиатош дон маҳсулотлари” АЖ бошқарув кенгаши раиси ва аъзоларини қайта сайлаш.
 13. “Тахиатош дон маҳсулотлари” АЖ кузатув кенгаши ва бошқарув кенгаши раисларни ўзаро 1 йилга тузилган меҳнат шартномасини тасдиқлаш.
3. Жамият акциядорларининг навбатдаги умумий йиғилишини ўтказилиши ҳақида хабар қилиш учун жамият акциядорлари реестрини шакиллантириш санаси қуйидагича белгилансин.
- акциядорларнинг навбатдаги умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида хабар қилиш учун жамият акциядорлари реестрини шакиллантириш санаси 2020 йил 30-март;
 - жамиятнинг умумий йиғилишини ўтказиш учун жамият акциядорларини тизимга олиш реестри тузиладиган санасини 2020 йил 30-мартга белгиланишини тақлиф этди.
4. Жамиятнинг умумий йиғилиши овоз бериш бюллетенларини тарқатиш ва аъзоларини санаш, акциядорларни иштирок этиши учун рўйхатга олиш санок комиссиясини тузиш,

5. Жамият акциядорларининг навбатдаги умумий йиғилишини ўтказиш туғрисидаги акциядорларга ва давлат вакилига хабар бериш тегишли ахборотни жамиятнинг веб-сайтида эълон қилинсин ҳамда жамият акциядорларининг навбатдаги умумий йиғилишининг ўтказилиши ҳақида хабар қилиш учун шакиллантирилган жамият акциядорлари реестри асосида уларга билдиришнома юборилиши таъминлансин.

6. 2020 йил жамият кузатув кенгаши ва тафтиш комиссияси таркибига тавсия қилинган номзодлар бўйича қуйидаги таклифларга мувофиқ:

6.1 Жамиятнинг кузатув кенгаши таркибига қуйидаги номзодлар киритилсин:

- | | |
|-------------------|--------------------|
| 1. М.Мадаминов | “Ўздонмахсулот” АК |
| 2. Б.Назимов | “Ўздонмахсулот” АК |
| 3. И.Мамаюсупов | “Ўздонмахсулот” АК |
| 4. Б.Хўжамбердиев | “Ўздонмахсулот” АК |
| 5. Ж.Арипов | “Ўздонмахсулот” АК |
| 6. Б.Тўхтаев | “Ўздонмахсулот” АК |
| 7. Р.Мансуров | “Ўздонмахсулот” АК |

Юқорида қайд этилган тавсияларни айтиб ўтилган таклифларга мувофиқ жамиятнинг 2020 йил учун кузатув кенгаши таркибига киритишни таклиф этди.

6.2 2020 йил учун “Тахиатош дон маҳсулотлари” АЖ тафтиш комиссияси аъзоларига тавсия қилинган номзодлар А.Абдуллаев,

Юқорида қайд этилган тавсияларни айтиб ўтилган таклифларга мувофиқ жамиятнинг 2020 йил учун тафтиш комиссияси таркибига киритишни таклиф этди.

6.3 2020 йил учун “Тахиатош дон маҳсулотлари” АЖ бошқарув кенгаши аъзолигига қуйидаги номзодлар тавсия этилсин:

6.3.1 Жамият бошқарув кенгаши таркиби аъзолигига – М.Утемуратов, Қ. Айтымбетов, А.Абдимуратов, И.Имашев, З.Ашырова.

7. Жамият акциядорларининг умумий йиғилишини ўтказиш учун зарур ахборот ва ҳужжатларни таёрлашни жамият бош ҳисобчиси З.Ашырова зиммасига юклатилсин.

8. Жамият умумий овоз бериш бюллетенининг шакли ва матни тасдиқлансин.

9. Жамиятнинг 2019 йил молия-хўжалик фаолияти якуни бўйича соф фойдасини тақсимлаш юзасидан акциядорларнинг умумий йиғилишига тавсия киритилсин:

2019 йил молия-хўжалик фаолияти якунлари бўйича олинган 696765 минг сўм соф фойдасининг 5 фоизи 34838.25 минг сўм жамият захира фондига, 2 фоизи 13935.30 минг сўм ижтимоий қўллаб-қуватлаш ва меҳнатни муҳофаза қилиш фондига, 5 фоизи 34838.25 минг сўм Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 18 январдаги 44-сонли махсус йиғилиш баёни топширигига асосан “Ўздонмахсулот” АК таркибидаги дон маҳсулотлари корхоналарини ривожлантириш ва модернизациялаш фондига, 8 фоизи 55741.2 минг сўм ишлаб чиқаришни ривожлантиришга ва қолган 80 фоизи 557412 минг сўм дивиденд тўлашига йўналтириш.


10. “Тахиатош дон маҳсулотлари” АЖ 2019 йил молия-хўжалик фаолияти юзасидан Корпаратив бошқарув тизимини боҳолашда мустақил баҳоловчиларни танлашда “Қароқалпоғистон ваҳт” МЧЖ эксперт директори Утепбергенов А.Х. танлансин.

Ўтказиладиган акциядорларнинг навбатдаги умумий йиғилишига таёргарлик вақтида, ҳужжатлар билан танишишга шарт-шароитлар яратишни жамият бошқарма бошлиғи ва бош ҳисобчиси зиммасига юклатилсин.

Кузатув кенгаши раиси:

Кузатув кенгаши раиси аъзоси аъзолари-

*
*
*
*
*


М.Мадаминов
Б.Назимов
И.Мамаюсупов
И.Мадрахимов
Ж.Арипов
Б.Тухтаев
Х.Рахимов